

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



2/2015

Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Алиқулов Ҳ.	ф.ф.д., проф.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Шермуҳамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Б.	ф.ф.н., доц.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Мансуров А.Д.	
Муродов Д.	т.ф.н.
Оқилов С.С.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.
Юсупова Н.Ж.	ю.ф.н., доц.



Мундарижа

Сўзбоши	3
---------	---

Мозий ва аждодлар мероси

А.Тоғаева. Тошкент XX асрнинг иккинчи ярмида: иқтисодий-ижтимоий аҳволи ва муаммолари (1950–1990 йй.)	4
Т.Норқобилов. Жанубий Ўзбекистонда бронза даври аҳолисининг дафн қилиш анъаналари эволюциясининг илмий адабиётларда ёритилиши	7
А.Яркулов. Жанубий Сўғд шаҳарларининг ривожланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти	12
М.Зиқруллаев. Ўзбекистонда вақф масаласининг 1920–1926-йиллардаги вақтги матбуотда ёритилиши	15
О.Мавлонов. Америкадаги ilk масжидларнинг тарихига қисқача назар	19

Динишунослик (исломшунослик)нинг долзарб масалалари

М.Муҳаммадсидиқов. Араб давлатлари расмий-сиёсий ва метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида “ислом омили”нинг ўрни ва аҳамияти	22
У.Қўшаев. Жаҳон динларида аёлларга нисбатан бағрикенглик масаласига доир ўғит ва кўрсатмалар таҳлили	26
У.Язданов. XXI аср жамоатчилик фикрида диний этиқоднинг намоён бўлиш хусусиятлари	30

Фалсафий фанлар

О.Ғайбуллаев. Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда шукроналик туйғусининг фалсафий жиҳатлари	33
М.Ниязимбетов. Замонавий гносеологияда моделлаштириш муаммоси	36
Н.Абдуллаева. Хаттотлик санъати дизайнда безак унсури сифатида	39
Р.Замилова. Қахрамонлик феноменининг маънавий- ахлоқий моҳияти	42
У.Элмуратова. Баркамол авлодни тарбиялашда мактабдан ташқари таълимнинг роли	45
Б.Буатаков. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлашнинг сиёсий- ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий асослари	49

Филология масалалари

З.Арипова. Араб тилидаги мақол ва маталларни ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммолар	53
С.Қорабоев. XX аср Покистон ҳудудида замонавий пушту адабиёти шаклланишида йирик адиб ва жамоат арбобларининг роли	56
Ш.Хожанов. Қорақалпоқ тилидаги антонимларнинг лисоний таҳлили	60
А.Қурбонов. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги насрий сарлавҳаларда иштиқоқ санъати	64
Р.Алимухамедов. Қадимги туркий алқовлар ва уларнинг жанр хусусиятлари	68

Психологик (социологик) тадқиқотлар

М.Маматов. “Мен”, миллий ва “макро” ўзликни англаш	72
А.Ташпанов. Бузгунчи ғояларнинг сабаблари ва оқибатлари	75

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алёшин В.А. Проблема происхождения археологических культур неолита-бронзы Средней Азии (по данным погребальных обрядов) // ИБМАЙКЦА. – М., 1986.
2. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С.38.
3. Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент, Фан, 1983.
4. Шайдуллаев Ш.Б., Д. Х. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ, – Самарканд, 1999. – Вып. 30.
5. Абдуллаев Б.Н. Новый памятник эпохи бронзы на юге Узбекистана. – ОНУ, 1977, №1. – стр. 33-39; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы..... – С.48-49.
6. Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде // Из истории античной культуры Узбекистана. – Ташкент: Изд-во Гафура Гуляма, 1973. – С.35–51.
7. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд, 1990. – С.17.
8. Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. – М., 2000. – Вып. 4. – С. 63–70.
9. Аванесова Н.А. Результаты исследований некрополя Бустон VI. Узбекистонда археологик тадқиқотлар. 2000 йил. Самарканд. 2001. 32 б.;
10. Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры (по материалам исследования могильника Бустон VI) ИМКУ 30. С. 27-36.
11. Грязнов М.П. Комплекс археологических памятников у горы Тепсей на Енисее. Новосибирск, Наука, 1979, С.134-140.

Тохир НОРҚОБИЛОВ,

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари
бўйича Мувофиқлаштирувчи методик
марказ етакчи мутахассиси.



ЖАНУБИЙ СЎҒД ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Таянч сўзлар: илк ўрта асрлар, Ерқўрғон, Сўғд, кулочилик, Нахшаб, Косонтена, Толлисортена, Буюк ипак йўли, қадимги шаҳарлар.

Ўрта асрлар ёзма манбалари Сўғд номидан иккита маънони тушунишган: 1) Сўғд жуда кенг маънода; 2) Сўғд тор маънода. Шу билан бирга Бухоро ва Самарқанд Сўғди тўғрисидаги тушунчалар бор эди. Жумладан, ибн Ёқутда шундай жумла бор: “Айтишларича, иккита Сўғд бор: Самарқанд Сўғди ва Бухоро Сўғди”¹. Кўпчилик ўрта аср ёзма манбаларида Қашқадарё Сўғди Сўғднинг бир қисми сифатида қаралган. Шу билан бирга, Жанубий Сўғднинг Кеш вилояти бу ернинг маркази ҳисобланиб, унинг ҳудудига Самарқанднинг жанубий қисмларидан дарвоза билан беркитилган “Темир дарвоза” гача бўлган жойлар кирган².

Қадимги Қашқадарё воҳаси тарихий жиҳатдан икки қисмга: Кеш – воҳанинг шарқий қисми, Нахшаб – воҳанинг ғарбий қисмига бўлинган. Шундай экан, Жанубий Сўғднинг бу алоҳида қисмларининг ўз карвон йўллари мавжуд бўлган. Кеш Марказий Сўғднинг Самарқанд қисми билан, Нахшаб эса, кўпроқ Ғарбий Сўғд-Бухоро воҳаси билан савдо муносабатларини йўлга қўйишган. Бу йўлларнинг қайси бирида кўпроқ савдо муносабатлари йўлга қўйилганини айтиш қийин. Шуниси аниқки, Қашқадарё воҳасининг бу иккала қисмидан қайси бири кўпроқ ривожланган бўлса, ўшанда савдо йўллари яхшироқ йўлга қўйилган. Айтиш мумкинки, Кеш ва Нахшаб вақти-вақти билан ўз ривожланиш поғонасига кўтарилиб турган.

Жанубий Сўғд географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги билан бирга, Олд Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистонни Самарқанд ва Бухоро шунингдек Фарғона ва Хитой билан боглайдиган савдо йўлида жойлашган эди. Бу эса ташқи савдо ривожини учун асосий омил бўлиб ҳисобланган.

Ўрта асрлардаги йирик шаҳар ва қишлоқлар савдо-ҳунармандчилик марказлари бўлиб, улар карвон йўлларида жойлашган. Қашқадарё воҳаси

¹ Якут, Му’дхам. – Yacut’s geographisches Wörterbuch aus den Handschriften zu Berlin, St. Petersburg, Paris, London und Oxford... hrsg. von F. Wörtenfeld, Bd I-VI, Leipzig, 1866-1873 [I (aus den Handschriften zu Berlin, St. Petersburg und Paris) – 1866, II – 1867, III – 1868, IV – 1869, V – 1870, VI – 1873], т. 4, с. 277.

² Waussig H.W. Die Quelle über die zentralasiatische herkunft der europäischen Awaren. – CAI, vol. II, pt. 1, 1956.

бўйлаб бир неча савдо йўллари ўтган. Булар шарқий Хуросон йўли тармоқлари бўлиб, Эрон ва Афғонистонни Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона воҳаси билан боғлаган. Улардан ташқари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар ҳам мавжуд бўлган.

Илк ўрта асрларда ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун савдо йўлларида жойлашган йирик қишлоқ ва шаҳарларда карвонсаройлар ва расталар барпо қилинадик, бу ерда карвонлар тўхтаб дам олиши, товар айрибошлаши, савдо ва маданий ҳаётга оид янгиликларни билиб олиши мумкин эди. “Карвон йўлларида жойлашган йирик манзилгоҳлар орасидаги масофа 24-25 км га тенг бўлган”.³ Уларнинг кўпчилиги карвонларнинг тўхтаб, дам олиши, савдо билан шуғулланиши учун ҳам хизмат қилган.

Кеш ва Нахшабнинг иқтисодий юксалиши ҳўжалигининг бошқа соҳаларидаги ривожланишига ҳам боғлиқ эди. Илк ўрта асрларда Жанубий Сўғдда турли ҳўнармандчилик соҳалари: кулолчилик, пишасозлик, темирчилик, кончилик кабилар тараққий этганини кўрамиз. Бундай ҳўнармандчилик турларининг ривожланганлигини кўпгина ёдгорликларни ўрганиш чоғида кўришимиз мумкин. Шуллиуктепада ҳар хил ҳўнармандчилик маҳсулотлари учрайди. Улардан энг яхши тараққий этганлари пишасозлик ва тўқимачилиқдир, қўшни Кешда эса манбалар металл ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигини кўрсатади. Шаҳар работининг майдони кўздан кечирилганда темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мавжудлигини кўрамиз. Шуллиуктепа шаҳар харобасида олиб борилган қазилмалар пайтида тўпланган кулолчилик материалларидан маълум бўлдики, ўрта асрларда Кеш ва Нахшаб кулоллари ажойиб муваффақиятларга эришганлар⁴.

Ерқўрғон ёдгорлиги Қарши воҳасидаги йирик иқтисодий ва маданий марказ бўлиб келган. Бу ерда йирик кулолчилик маҳаллалари топилганлиги билан бирга, унинг жануби-шарқий томонида темирчилар маҳаллалари ҳам қайд этилган. Сўғднинг бирон-бир шаҳрида бу қадар катта майдонда (1200 м²) темирчилар маҳалласи очиб ўрганилмаган. Темирчилар маҳаллаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, милоннинг V–VI аср-

Буюк ипак йўли Марказий Осиёнинг энг қадимги савдо йўлларида бири ҳисобланади. Ушбу мақолада Буюк ипак йўлида жойлашган Жанубий Сўғд шаҳарларининг илк ўрта асрлардаги ривожланиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шаҳарларнинг ривожланиши билан ҳўнармандчилик, санъат ва маданият гуллаб-яшнаган. Маҳаллий ва халқаро савдо йўллари шаҳарларнинг ривожланишига ёрдам берган.

Великий шелковый путь один из древних торговых путей Центральной Азии. В статье на основе научных принципов анализируется процесс генезиса и расцвета городов Южного Согда во время раннего средневековья. С возникновением городов успешно развивались ремесла, процветали искусство и культура. Местные и международные торговые пути способствовали развитию городов.

The Great Silk Road is one of the ancient trade routes of Central Asia. In the article on the basis of the scientific principles of the process of the genesis and flourishing cities of Southern Sogd during the early of the Middle Ages is analyzed. There were cities, where successfully developed the craft, art and prosperous culture. Domestic and international trade routes contributed to the development of cities.

ларида Ерқўрғон харобаси ўрнидаги шаҳарда темирчилик ўз тараққиётининг юқори нуқтасига чиқди.

Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар VII асрдан бошлаб ўз ўрнини Қашқадарё ўрнида бунёд этилган Нахшаб шаҳрига бўшатиб беради. Ҳар қандай йирик ўрта асрлар шаҳрида ҳўнармандлар ва савдогарлар аҳолининг катта қисмини ташкил қилади. Аҳолининг бу қисми ўз ишини муваффақиятли давом эттириши учун шаҳар ҳудудида етарли инфраструктура бўлиши талаб этилади. Нахшаб шаҳрининг катта савдо йўллари тармоғида жойлашганлиги, Қашқадарё сувининг яқинлиги, шаҳар билан қишлоқларни боғлайдиган йўллар устида эканлиги ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қиладиган аҳолиси зич жойлашган йирик деҳқончилик воҳаси борлиги, шаҳарда ҳўнармандчиликнинг – айниқса, темирчилик, кулолчилик ва пишасозлик соҳаси ривожига олиб келган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида шу ҳудудда археология тадқиқотларини олиб борган рус олими М.Е.Массон Насаф шаҳрининг ўрнидаги ёдгорлик, яъни “Шуллиуктепа” номи келиб чиқишини XVIII аср билан боғлайди. Унда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўғли Ризақулимурзо бошчилик қилган кўшинларни 1737 йилда Қарши шаҳрининг атрофларида қилган ҳаракатларини ёзган тарихчиларнинг ишида бу ердаги қадимги қалъани “Шулдук” деб аталгани тўғрисидаги хабарни беради⁵.

³ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. А.Сағдуллаев таҳрири остида. -Т., 1998. -Б.37.

⁴ Исомиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Т., 1998. -С.186.

⁵ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент, «Фан»,

Ўрта асрлар Нахшаб шаҳри (араблашган шакли Насаф) уч қисмдан – арк, шахристон ва работлардан иборат бўлган. Шаҳар мудофаа девори билан ўралган бўлиб, тўртта дарвозаси бўлган. Бу дарвозалар савдо йўллари йўналишида жойланган бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Ғубдин номлари билан аталган. Самарқанд дарвозаси шимоли-шарқ томонда, Жом довони орқали ўтадиган карвон йўли йўналишида, Бухоро дарвозаси – шимоли-ғарбда, Бухоро карвон йўли йўналишида, Кеш дарвозаси – жануби-шарқда, Кеш томонда ва Ғубдин дарвозаси – жануби-ғарбда, Ғубдин қишлоғи ҳамда Келиф карвон йўли йўналишида жойлашган⁶.

Таллисортепа номи билан аталадиган қадимги шаҳар харобаси арк, шахристон ва работ қисмларидан иборат.

Кейинчалик ўтган асрнинг 70-йилларида Қарши воҳасини ўрганган археолог Б.Д.Кочнев бошчилигидаги экспедиция аъзолари ушбу ёдгорликнинг яқин 3 та ерида стратиграфик шурф солди, илк ўрта аср қатламларига оид бир қанча хоналар очилди. Шурфлардан олинган, бирин-кетин келадиган кулолчилик буюмларининг милоннинг биринчи асрларидан, то X–XII асрларигача бўлган даврга оид комплекслар топилди. Б.Д.Кочневнинг фикрига кўра, Таллисортепа ёдгорлиги ўрта асрлардаги Ғубдин шахрининг харобасидир. Муаллиф бу фикрининг тасдиғи сифатида ёдгорлик яқинида шу номдаги ҳозирги қишлоқ жойлашганлигини мисол қилиб келтиради⁷.

XII–XIII аср бошларининг муаллифлари Самъоний ва Ёқут Нахшаб шахрининг атрофида Косон шаҳри бор эканлиги тўғрисида ёзишади⁸.

XII–XIII аср бошларидаги араб муаллифларидан Самъоний ҳамда Ёқутнинг Насаф атрофида Косон қишлоғи бўлганлиги тўғрисидаги хабаридан гап Косонтёпа ўрнидаги қишлоқ тўғрисида кетаётганлигини тушунамиз. Бу шаҳар ҳам Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари қатори 1221 йилги мўғул-татарлар ҳужуми жараёнида вайрон этилган⁹. Косонтёпада С.К.Кабанов томонидан қазилма ишлари ўтказилган бўлиб, унинг таъкид-

лашича, бу ёдгорликда милоннинг биринчи асрлари материалларидан XII–XIII асргача бўлган даврдаги материаллар учраган.

Косонтёпа ёдгорлигидан жануби-шарқий томонда Косонтёпа билан бир даврда синхрон ривожланган Кўҳна Фазли ёдгорлиги бор. Бу ёдгорлик Косонтёпадан фарқли ўлароқ умуман бузилмаган ҳолда сақланган. Кўҳна Фазли ёдгорлигини археологлар ёзма манбалардаги Безда шаҳри билан қиёслашади, чунки араб географи Истахрий Насаф шаҳридан 6 фарсах нарида Безда шаҳри жойлашганлиги тўғрисида маълумотни берган¹⁰. Бу ёдгорликнинг мўғуллар истилосига қадар бўлган шаҳарлар структураси, ҳўжалиги (шу жумладан ҳўнармандчилиги) ва маданиятини ўрганишдаги ўрни ва роли жуда катта ҳисобланади.

Тарихда чорвадор аҳолининг Ўрта Осиёнинг деҳқончилик ҳўдудларига кириб келадиган анъанавий йўллари бўлган. Бу йўллар Сирдарёнинг ўрта оқимидан унинг қўйи оқимларигача бўлган ҳўдудларидан асосан учта йўналишда ўтган. Биринчи йўналиш бўйича қўйи Сирдарё ҳўдудларидан Қизил Ўрдагача бўлган жойлардаги чорвадорлар шу жойдан ажраган Сирдарёнинг табиий чап тармоғи бўйлаб юриб, Бештом, Сувлиқашқа, Тахтақўпир йўналишида ҳўракатланиб, қўйи Амударё ҳўдудига чиққан.

Қизил Ўрдадан жанубда Туркистонгача бўлган ҳўдудлардаги чорвадор аҳоли Сирдарё бўйлаб жанубга томон силжиб Ҳайдарқўлга келганда, уларда иккита йўналишда ҳўракатланиш имконияти бўлган. Биринчи йўналиш – Нурота билан Оқтовнинг ўртаси билан шарққа томон ҳўракатланиб, Зарафшон водийсига шимол томондан тушган. Иккинчи йўналиш бўйича Ҳайдарқўлнинг шимоли-шарқий томонидан айланиб ўтиб яна жанубий йўналишда давом этганлар ва Нуротанинг Янгиқишлоқ-Чакар-Баҳрин-Митан йўналишида ҳўракатланиб, Зарафшон водийсига чиқишган. Учинчи йўл эса, Ҳайдарқўлдан ўтилгандан кейин ҳўзирги Тошкент йўли йўналишида жанубга томон ҳўракатланиб, Жиззах-Баҳмалсой-Ғаллаорол орқали яна Зарафшон водийсига чиқилган¹¹.

Шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо мўносабатларининг юксалиши ҳўнармандчилик ва қишлоқ ҳўжалиги ривожига олиб келади.

1973, с. 41; Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). Ташкент: 1977. -С.56-57.

⁶ Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX–начала XIII в. Ташкент, Узбекистан, 1996. С. 52.

⁷ Кочнев Б.Д. Раскопки на Таллисортепа в Каршинском оазисе. АО, 1977 г., М.: 1978. С. 526.

⁸ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. т. I, М.: 1963. С. 194.

⁹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Том I. М.: 1963. С. 194.

¹⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Том I. М.: 1963. -С.190-191.

¹¹ Исомиддинов М, Яркулов А. Нахшаб ҳўнармандчилиги тарихи. Тошкент, “Янги нашр”, 2014. -Б.90.

Самарқанд билан Балхни боғлайдиган йўл ёки Балхни Бухоро билан боғлайдиган йўллар албатта яна Насаф орқали ўтган. Бухоро – Балх йўлида ҳаракатланаётган қарвон айрим пайтларда йўлни қисқароқ қилиш мақсадида Келифдан келаётиб, Насафга кирмасдан Бездава (Кўҳна Фазли) орқали ўтиб вақтни тежашган. Термиздан келаётган савдогарлар эса, албатта Каспи (Кесба) шаҳри орқали юришган.

Шундай қилиб, Буюк ипак йўлида жойлашган Жанубий Сўғд шаҳарларининг ўрта асрлардаги ривожланишида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги омилларни кўришимиз мумкин:

1. Шаҳарлар ривожланишида кўпчи ҳудудлар ва чорвадор аҳоли билан олиб борилган иқтисодий-маданий алоқалар.

2. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг ривожланиши.

3. Марказлашган ёки кучли ҳокимиятнинг ўрнатилиши билан тапқи ва ички савдонинг ўсиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Waussig H.W. Die Quelle über die zentralasiatische herkunft der europäischen Awaren. – САI, vol. II.pt. 1, 1956.
2. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. А.Сағдуллаев таҳрири остида. Т., 1998.
3. Исомиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Т., 1998.
4. Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX–начала XIII в. Ташкент, Узбекистан, 1996.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент, «Фан», 1973.
6. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). Ташкент.: 1977, с. 56–57.
7. Кочнев Б.Д. Раскопки на Таллитортепа в Каршинском оазисе. АО, 1977 г., М.: 1978.
8. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. т. I, М.: 1963.
9. Исомиддинов М, Яркулов А. Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи. Тошкент, “Янги нашр”, 2014.

Алишер ЯРКУЛОВ,

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси археологи.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАҚФ МАСАЛАСИНИНГ 1920–1926-ЙИЛЛАРДАГИ ВАҚТЛИ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

Таянч сўзлар: *Ўзбекистонда вақф мулклари, Бош вақф идораси, вақтли матбуот, вақф идораларининг фаолияти, совет ҳукуматининг диний сиёсати.*

Вақф – мусулмон жамоатида бугунги кунга келиб ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган ўзига хос диний-ҳуқуқий институтдир. VIII–IX асрлардан бошлаб вақф институти мусулмон жамоаларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида катта роль ўйнаган. Марказий Осиё халқларининг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган вақфлар муайян ҳуқуқий асосга эга бўлган, диний тушунча ортидаги ижтимоий ҳимоя ҳамда таъминотнинг эътироф этилган шакли ҳисобланган. Бинобарин, вақф мулкларидан келаётган даромадлар ўрта асрлардан бошлаб то XX асрнинг 20-йилларига қадар маданий-маърифий ва илмий муассасаларнинг молиявий эҳтиёжларига сарф қилинган.

1917 йил Октябрь инқилобидан кейинги даврда дин, хусусан ислом билан боғлиқ барча удумларга беписандлик билан қаралган ва таг-томири билан йўқ қилишга киришилган. Совет ҳукумати исломни, коммунистик ғояга муҳолиф мусулмон уламоларни ўзларининг асосий душмани деб билдилар ва уларга қарши катъий кураш бошладилар ва уларни йўқ қилишнинг турли чораларини ўйлаб топдилар. Шулардан бири диний ташкилотларнинг вақф мулкларини тугатиш эди. Бу иш совет ҳукуматининг катъий сиёсатига айланди. Большевикларнинг диний сиёсати туфайли совет даврида ўзбек халқининг маънавиятига путур етди, миллий одоб-ахлоқ издан чиқди¹.

Россия империяси мустамлакачилиги даврида ҳам руҳонийларнинг иқтисодий асосини чеклаш, вақф мулкларини ўзлаштириб давлат хазинасини бойитишга йўналтирилган сиёсат олиб борилганлигини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Таниқли маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов Туркистон Республикаси халқ маорифи бўлимлари мудирларининг 1920 йил 30 июнда ўтган съездида сўзлаган “Туркистон вақфлари

¹ И.Алимов. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар). – Т.: “ФАН”, 2009 йил. – Б. 3.